

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 13 » май

2019 у.

№ 391

Toshkent sh.

**Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини
янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ–3955–сон қарорига мувофиқ, шунингдек, мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, соғлом, фаол, тўлақонли, жамиятга мослашган бола шахсини шакллантириш, ўсишида турли нуқсонлари бўлган болаларни, шунингдек реабилитация қилиш ва соғломлаштиришга муҳтож болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва интеграция қилиш учун қулай муҳит яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Умумий типдаги давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Мактабгача таълим ташкилотларидаги қисқа муддатли гуруҳлар тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари ва қўшма типдаги мактабгача таълим ташкилотлари тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Болаларни кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларига ва қўшма типдаги мактабгача таълим ташкилотларига йўллаш бўйича тиббий-психологик-педагогик комиссия тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда республика давлат ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ўрганишни таъминласин.

Ўрганиш якунларига кўра:

2019 йил 1 июлгача бўлган муддатда – Тошкент шаҳри давлат ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини мақбуллаштириш бўйича;

2019 йил 1 декабргача бўлган муддатда – Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар давлат ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини мақбуллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Белгилаб кўйилсинки:

2019 йил 1 майдан бошлаб давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарларининг, педагог ходимлар ва тиббиёт ходимларининг лавозим маошлари ва базавий тариф ставкаларига 100 фоиз миқдорида кўшимча ҳақ тўланади;

2019 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари ёрдамчиларининг, шунингдек, қўшма типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларидаги ўсишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлар бўлган болаларга мўлжалланган гуруҳларда ишлайдиган тарбиячилар, педагог ходимлар ва тиббиёт ходимлари ёрдамчиларининг лавозим маошлари ва базавий тариф ставкаларига 100 фоиз миқдорида кўшимча ҳақ тўланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги уч ой муддатда умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларининг, кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларининг ва қўшма типдаги мактабгача таълим ташкилотларининг намунавий штат бирликларини қайта кўриб чиқсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Мактабгача таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги уч ой муддатда ушбу қарордан келиб чиқиб Нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 19 июлдаги 528-сон қарори 1-бандининг иккинчи-тўртинчи хатбошилари ва унга 1–3-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2017 й., 7-сон, 153-модда).

7. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда улар қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А.Абдуҳакимов, Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири А.В.Шин ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К.Шадманов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “13” майдаги
391 - сон қарорига
1-илова

**Умумий типдаги давлат ва нодавлат мактабгача
таълим ташкилотлари тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом умумий типдаги давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари (кейинги ўринда мактабгача таълим ташкилотлари деб аталади) мақсадлари ва вазифалари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини, шунингдек, уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

мактабгача таълим ташкилоти – умумий типдаги давлат ёки нодавлат мактабгача таълим ташкилоти;

давлат мактабгача таълим ташкилоти – давлат томонидан молиялаштирилладиган ва бошқариладиган ҳамда Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ мактабгача таълим хизматларини кўрсатадиган ташкилот;

нодавлат мактабгача таълим ташкилоти – қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилган лицензия асосида, шунингдек, Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ мактабгача таълим соҳасида таълим хизматларини кўрсатувчи юридик шахс;

боланинг қонуний вакиллари – боланинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар.

3. Ушбу Низом кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларига ва кўшма типдаги мактабгача таълим ташкилотларига татбиқ этилмайди.

4. Мактабгача таълим ташкилотлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига, ушбу Низомга ва ўз уставига мувофиқ амалга оширади.

5. Мактабгача таълим ташкилотлари давлат ташкилотлари ва нодавлат ташкилотлар бўлиши мумкин.

6. Мактабгача таълим ташкилоти ваколатли давлат органи томонидан аттестация асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказилади.

7. Давлат мактабгача таълим ташкилоти юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва штампга, мустақил балансга, бюджет ва бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобварақларига эга.

8. Нодавлат мактабгача таълим ташкилоти юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга эга, ўз мажбуриятлари бўйича ихтиёридаги мол-мулк билан жавоб беради, ўз номи ёзилган муҳр ва штампга эга бўлиши мумкин.

2-боб. Мактабгача таълим ташкилотининг мақсадлари ва вазифалари

9. Қуйидагилар мактабгача таълим ташкилотининг мақсадлари ҳисобланади:

боланинг таълим олишга бўлган ҳуқуқини амалга оширишни таъминлаш;

боланинг жисмоний, ақлий ва маънавий камолотини сақлаш ва мустаҳкамлаш;

умумтаълим муассасаларида боланинг жамиятга мослашишини ва таълим олишни давом эттиришга тайёрлигини таъминлаш.

10. Қуйидагилар мактабгача таълим ташкилоти вазифалари ҳисобланади:

болаларга, шу жумладан, ўзига хос эҳтиёжлари бор болаларга яқка тартибда таълим дастурларидан фойдаланиш, шунингдек, ўз вақтида инклюзив мактабгача таълим ва тарбия олиш имконини берадиган қулай муҳит яратиш;

болаларда Ватанга муҳаббат туйғусини, оилага, ўз халқининг миллий, тарихий, маданий қадриятларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни, атроф муҳитга эҳтиёткор муносабатни шакллантириш;

боланинг шахсини шакллантириш, унинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, ижтимоий тажриба орттиришини таъминлаш;

боланинг жамиятга мослашишини ва бошланғич таълимга тайёрлигини таъминлаш;

таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларни жорий этиш.

3-боб. Мактабгача таълим ташкилотини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби

11. Давлат мактабгача таълим ташкилоти юридик шахс шаклида ташкил этилади ва ўз фаолиятини устав асосида амалга оширади.

12. Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа давлат ташкилотлари давлат мактабгача таълим ташкилотининг муассислари бўлиши мумкин.

13. Юридик шахслар – хусусий мулк ҳуқуқи субъектлари ва жисмоний шахслар нодавлат мактабгача таълим ташкилотининг муассислари бўлиши мумкин.

14. Давлат мактабгача таълим ташкилотлари бинолари ва иншоотларини Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан келишмасдан хусусийлаштириш, ўзгага бериш ва қайта ихтисослаштириш мумкин эмас.

15. Мактабгача таълим ташкилотлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади, қайта ташкил этилади ва тугатилади.

4-боб. Нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш

16. Мактабгача таълим соҳасидаги нодавлат таълим хизматларини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензиялар юридик шахс давлат рўйхатидан ўтганидан кейин берилади.

17. Мактабгача таълим соҳасида нодавлат таълим хизматларини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия бериш, лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тўхтатиш, шунингдек, уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб берган тартибда амалга оширилади.

5-боб. Мактабгача таълим ташкилотларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

18. Мактабгача таълим ташкилотлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган мактабгача таълимнинг давлат таълим дастури асосида ўз таълим дастурини ишлаб чиқиш;

мактабгача таълимнинг давлат таълим дастурида кўрсатилгандан ташқари қўшимча пулли таълим хизматлари кўрсатиш, ишланмайдиган кунларда ёки белгиланган иш соатларидан ташқари боланинг қонуний вакиллари билан келишув асосида болаларни парваришлаш ва уларга қараб туриш бўйича хизматлар кўрсатиш;

боланинг қонуний вакиллари билан ҳамкорлик қилиш;
мактабгача таълим тизимини ривожлантириш бўйича инновацион фаолиятда қатнашиш.

Мактабгача таълим ташкилотлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

19. Мактабгача таълим ташкилотлари:

Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ таълим-тарбия жараёнини амалга ошириши;

мактабгача таълимнинг тегишли сифатини таъминлаши;

болани тарбиялаш ва ўқитиш масалалари бўйича унинг қонуний вакилларига маслаҳатлар билан ёрдам бериши;

болаларни камол топтириш, тарбиялаш ва ўқитиш учун хавфсиз шарт-шароитларни яратиши;

мактабгача таълим сифати таъминланишини назорат қилишда ваколатли давлат органларига кўмаклашиши шарт.

Мактабгача таълим ташкилотларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлари ҳам бўлиши мумкин.

20. Мактабгача таълим ташкилотлари қуйидагилар учун жавоб беради:

боланинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши;

болалар мактабгача таълим ташкилотида бўлган вақтида уларнинг ҳаётини ҳимоя қилишни ва соғлиғини мустаҳкамлашни ташкил этиш;

таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда қўлланиладиган шакллар, усуллар ва воситаларнинг болаларнинг ёш, руҳий ва физиологик хусусиятлари, кизиқишлари, қобилиятлари, манфаатлари ва эҳтиёжларига мувофиқ келмаслиги;

болаларни умумтаълим муассасаларидаги бошланғич таълимга шахсга йўналтирилган ёндашувни қўллаган ҳолда тайёрлаш сифати;

таълим дастурлари тегишли сифатда ва белгиланган ҳажмда амалга оширилишини таъминлаш;

ушбу Низомда назарда тутилган вазифалар ва функцияларни бажариш.

21. Мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти устидан мониторинг олиб бориш ва назорат қилиш ваколатли давлат органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

22. Ўқув жараёнидан сиёсий мақсадларда ёки таълим олаётган болаларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларига зид ҳаракатларни содир этишга ундаш учун фойдаланиш тақиқланади.

23. Педагог ходимлар мактабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш учун жавоб берадилар.

6-боб. Мактабгача таълим ташкилоти фаолиятини ташкил этиш

24. Мактабгача таълим ташкилоти мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ болаларни тарбиялашни, ўқитишни, уларга қараб туришни, уларни парваришлашни ва соғломлаштиришни таъминлайди.

25. Мактабгача таълим ташкилотидаги таълимнинг мазмун-моҳияти Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган Мактабгача таълим давлат таълим дастури асосида ишлаб чиқилган таълим дастурида белгилаб берилади.

26. Мактабгача таълим ташкилотидаги таълим-тарбия жараёни машғулотларнинг йиллик, календарь-мавзули режалари ва жадвали билан тартибга солинади.

27. Мактабгача таълим ташкилоти “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ таълим бериш ва тарбиялаш шакллари, воситалари ва усуллари танлайди.

28. Мактабгача таълим ташкилотида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий шакли ўйин ҳисобланади.

29. Ҳар бир ёш гуруҳидаги машғулотлар, ўйинларнинг ҳар кунги сони, давом этадиган даври ва изчиллиги мактабгача таълим ташкилотининг ўқув режасида белгилаб берилади.

Болаларнинг мактабгача таълим ташкилотларида бўлиш вақтига қараб у ердаги гуруҳлар қуйидагича бўлиши мумкин:

- болалар қисқа муддат (кунига 3–4 соат) бўладиган гуруҳ;
- қисқа кунли гуруҳ (бир кунда 9 соатгача);
- тўлиқ кунли гуруҳ (кунига 10,5 ва 12 соат);
- болалар кечаю кундуз бўладиган гуруҳ.

30. Мактабгача таълим ташкилотининг ишлаш тартиби ва болаларнинг унда бўлиш вақти унинг устави ва муассиснинг қарори билан белгиланади.

31. Мактабгача таълим ташкилоти ва боланинг қонуний вакиллари ўртасидаги ўзаро муносабатлар бола мактабгача таълим ташкилотига ўтказилганда тузиладиган шартнома билан тартибга солинади.

Шартномада бола мактабгача таълим ташкилотига борадиган режим, неча марта овқатланиш ва бошқа шартлар кўрсатилади.

32. Мактабгача таълим ташкилотидаги ўқув йили жорий йилнинг 2 сентябридан кейинги йилнинг 31 майгача бўлган даврни, ёзги соғломлаштириш даври жорий йилнинг 1 июнидан 31 августигача бўлган даврни ўз ичига олади.

33. Мактабгача таълим ташкилотида болаларга таълим бериш ва тарбиялаш “Давлат тили тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ давлат тилида ва бошқа тилларда олиб борилади.

7-боб. Мактабгача таълим ташкилотига болаларни қабул қилиш ва ундан чиқариш

34. Болани мактабгача таълим ташкилотларига доимий ёки вақтинча қатнашга қабул қилиш ушбу ташкилотда бўш жойлар бўлса, календарь йил давомида қуйидагилар асосида амалга оширилади:

бола қонуний вакилининг аризаси;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ваколатли орган берган йўлланма (давлат мактабгача таълим ташкилоти учун);

бола соғлиғи ҳолати тўғрисидаги тиббий маълумотнома.

35. Давлат мактабгача таълим ташкилотларига 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар қабул қилинади.

36. Бола давлат мактабгача таълим ташкилотига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ қабул қилинади.

37. Бола нодавлат мактабгача таълим ташкилотига Нодавлат мактабгача таълим ташкилоти уставига мувофиқ қабул қилинади.

38. Болани давлат мактабгача таълим ташкилотига қабул қилиш мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

39. Боланинг қонуний вакили билан тузилган шартнома болани нодавлат мактабгача таълим ташкилотига қабул қилиш учун асос ҳисобланади.

8-боб. Мактабгача таълим ташкилоти гуруҳларини тўлдириш

40. Гуруҳ мактабгача таълим ташкилотининг таркибий бирлиги ҳисобланади.

41. Мактабгача таълим ташкилотидаги гуруҳлар ҳам бир хил ёшдаги, ҳам турли ёшдаги болалар билан тўлдирилиши мумкин.

42. Мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларини тўлдириш ва бир гуруҳдан бошқасига ўтказиш ҳар йили ўқув йили бошланишидан олдин амалга оширилади.

43. Давлат мактабгача таълим ташкилотларида гуруҳлар қуйидаги миқдорда тўлдирилади:

3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланган гуруҳларда – камида 20 нафар ва кўпи билан 30 нафар бола;

болалар киска вақт бўладиган гуруҳларда – кўпи билан 30 нафар бола;
турли ёшдаги гуруҳларда – камида 20 нафар ва кўпи билан 25 нафар
бола;

болалар кечаю кундуз бўладиган гуруҳларда – кўпи билан 10 нафар бола.

Агар давлат мактабгача таълим ташкилоти жойлашган жойда давлат мактабгача таълим ташкилотига боришни хоҳловчи мактабгача ёшдаги болалар сони 20 нафар боладан кам бўлса ва бу жойда бошқа давлат мактабгача таълим ташкилоти бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан келишган ҳолда кам сонли болалардан иборат гуруҳларни ташкил этишга йўл қўйилади.

44. Нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида гуруҳларни тўлдириш тартиби мактабгача таълим ташкилотларини сақлаб туриш, тузиш ва уларда ишлаш тартибини ташкил этишга қўйилган санитария-гигиена талабларини ҳисобга олган ҳолда муассис томонидан белгиланади.

9-боб. Мактабгача таълим ташкилотида овқатланишни ташкил этиш

45. Мактабгача таълим ташкилотида овқатланиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

46. Мактабгача таълим ташкилотида болалар овқатланишини ташкил этиш учун жавобгарлик мактабгача таълим ташкилоти раҳбари зиммасига юкланади.

10-боб. Мактабгача таълим ташкилотида тарбияланувчилар соғлиғини асраш

47. Мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларига моддий ёрдам мактабгача таълим ташкилоти штатига кирадиган тиббиёт ходимлари ёки соғлиқни сақлаш муассасаларининг мактабгача таълим ташкилотига бириктирилган тиббиёт ходимлари томонидан таъминланади, улар болаларнинг ҳаёти, соғлиғи ва жисмоний камолоти, даволаш-профилактика тадбирлари ўтказилиши, санитария-гигиена нормаларига, овқатланиш режими ва сифатига риоя этилиши учун жавоб беради.

48. Давлат мактабгача таълим ташкилоти тиббиёт ходимлари фаолиятини назорат қилиш туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларига юкланади.

49. Нодавлат мактабгача таълим ташкилоти тиббиёт ходимлари фаолиятини назорат қилиш унинг раҳбарига юкланади.

50. Давлат мактабгача таълим ташкилотининг штатдаги ходимлари соғлиқни сақлаш муассасаларида белгиланган тартибда бепул тиббий текширувдан ўтади.

51. Нодавлат мактабгача таълим ташкилотига тиббий ёрдам қонун ҳужжатларига мувофиқ берилади.

52. Давлат мактабгача таълим ташкилоти тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш бепул асосда соғлиқни сақлаш тизимининг малака ошириш муассасаларида 3 йилда камида бир марта ўтказилади.

11-боб. Мактабгача таълим ташкилоти фаолиятини молиялаштириш

53. Давлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, болаларни мактабгача таълим ташкилотларида сақлаш учун олинadиган ота-оналар тўлови, жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия эҳсонлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

54. Нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти уларнинг муассислари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

55. Давлат мактабгача таълим ташкилотига қўшимча бюджет маблағларини жалб қилиш бюджетдан молиялаштиришни камайтиришга олиб келмайди.

12-боб. Болаларни мактабгача таълим ташкилотида сақлаш учун ота-оналар тўлови

56. Тарбияланувчиларни давлат мактабгача таълим ташкилотларида сақлаш деганда тарбияланувчиларни парваришлаш, овқатлантириш ва уларга қараб туриш тушунилади.

57. Болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотларида сақлаш учун ота-оналар тўлови қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда амалга оширилади.

58. Болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотларида сақлаш учун ота-оналар тўлови миқдори ва уни тўлаш шакли уларнинг муассислари томонидан белгиланади.

59. Ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож оилалар фарзандларини сақлаш учун ота-оналар тўлови имтиёзли шартларда қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда амалга оширилади.

13-боб. Мактабгача таълим ташкилотини бошқариш

60. Мактабгача таълим ташкилоти қонун ҳужжатларида, ушбу Низомда, шунингдек, мактабгача таълим ташкилоти уставида назарда тутилган тартибда бошқарилади.

61. Давлат мактабгача таълим ташкилотига Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан келишув бўйича Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари томонидан тавсия этилган номзодлар орасидан мактабгача таълим муассасаси Кузатув кенгаши томонидан танланадиган мудир раҳбарлик қилади.

62. Мактабгача таълим ташкилотининг уставига мувофиқ лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор нодавлат мактабгача таълим ташкилотининг раҳбари ҳисобланади.

63. Давлат мактабгача таълим ташкилоти фаолиятига мудир жорий раҳбарлик қилади ҳамда давлат мактабгача таълим ташкилотининг Кузатув кенгаши ва муассиси олдида ҳисоб беради.

64. Нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолиятига директор жорий раҳбарлик қилади ва муассис олдида ҳисоб беради.

65. Қуйидагилар давлат мактабгача таълим ташкилотининг бошқаруви органлари ҳисобланади:

Педагогика кенгаши;

Кузатув кенгаши.

66. Мактабгача таълим ташкилотининг Педагогика кенгаши:

мактабгача таълим ташкилотида таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш масалаларини кўриб чиқади;

мактабгача таълим ташкилотининг иш режасини ва педагог ходимларининг педагогик юкмасини белгилайди;

мактабгача таълим ташкилоти таълим дастурини амалга ошириш натижаларини баҳолайди;

мактабгача таълим ташкилотининг боланинг қонуний вакиллари билан ҳамкорлиги тартибини белгилайди;

мактабгача таълим ташкилоти педагог ходимлари малакасини ошириш, уларнинг ижодий ташаббусини ривожлантириш, таълим жараёнига фан ютуқларини ва илғор педагогик тажрибани жорий этиш масалаларини муҳокама этади;

мактабгача таълим ташкилоти ходимларини маънавий ва моддий рағбатлантириш масалаларини кўриб чиқади;

мактабгача таълим ташкилоти раҳбари ва педагог ходимлар ҳисоботларини эшитади.

Мактабгача таълим ташкилотининг Педагогика кенгаши қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам бажариши мумкин.

Давлат мактабгача таълим ташкилотида болани тарбиялаш, шакллантириш ва ўқитишда кўмаклашиш мақсадида Кузатув кенгаши ташкил этилади. Унинг таркиби ушбу ташкилотга борадиган болаларнинг қонуний

вакиллари, унинг ходимлари, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари орасидан тузилади.

67. Мактабгача таълим ташкилотининг Кузатув кенгаши:

мактабгача таълим ташкилотини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилайди;

мактабгача таълимнинг туман (шаҳар) бўлими томонидан тавсия этилган номзодлар орасидан мактабгача таълим ташкилоти раҳбарини сайлайди, шунингдек, уни эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш бўйича таклифларни белгиланган тартибда киритади;

мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг унинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар, молия-хўжалик ҳолати, даромадлар ва харажатлар, бюджет, бюджетдан ташқари, ҳомийлик ва бошқа маблағлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларини вақти-вақти билан эшитади;

мактабгача таълим ташкилоти раҳбари, педагог ходимлар ва бошқа ходимлар фаолиятига тааллуқли ижтимоий сўровлар ўтказиши;

туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимларига мактабгача таълим ташкилоти ходимларини рағбатлантириш тўғрисида таклифлар киритади.

Мактабгача таълим ташкилотининг Кузатув кенгаши қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам бажариши мумкин.

Мактабгача таълим ташкилоти Кузатув кенгашининг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан белгиланади.

68. Мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида, уставда, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, шунингдек, меҳнат шартномасида белгиланади.

69. Давлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг лавозимига қўйиладиган малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан белгиланади.

16-боб. Яқунловчи қондалар

70. Мактабгача таълим ташкилотларида сиёсий партиялар ва диний муассасаларнинг ташкилий тузилмалари ташкил этилишига ва фаолиятига йўл қўйилмайди.

71. Халқаро ҳамкорлик, педагогик ахборот ва тажриба алмашиш, педагог ходимлар амалиётини ўтказиш ва малакасини ошириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “13” майдаги
391 -сон қарорига
2-илова

**Мактабгача таълим ташкилотларидаги
қисқа муддатли гуруҳлар тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом мактабгача таълим ташкилотларидаги мактабгача ёшдаги болалар қисқа муддатли гуруҳлари мақсадлари, вазифалар ва фаолиятини ташкил этиш тартибини бегилайди.

2. Қисқа муддатли гуруҳлар фаолияти мактабгача таълим ташкилотлари устави билан тартибга солинади.

3. Қисқа муддатли гуруҳлар мактабгача таълим ташкилотига бормайдиган болаларнинг тўлақонли камол топишини таъминлаш, уларни тенгдошлари ва катталар даврасига мослаштириш учун мўлжалланган.

4. Давлат мактабгача таълим муассасаларида ташкил этилган қисқа муддатли гуруҳларда болаларнинг бўлиши учун тўлов қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда амалга оширилади.

5. Нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида ташкил этилган қисқа муддатли гуруҳларда болаларнинг бўлиши учун тўлов муассис томонидан белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича белгиланади, бундан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар мустасно.

2-боб. Қисқа муддатли гуруҳлар мақсадлари ва вазифалари

6. Қисқа муддатли гуруҳлар мақсадлари болаларнинг мактабгача таълимга тўлиқ жалб этилишини ва мактабгача таълим ташкилотларига бормайдиган болалар мактабгача таълим олишда тенг имкониятлардан фойдаланишини таъминлашдан иборат.

7. Қисқа муддатли гуруҳларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

боланинг жисмоний, ақлий ва маънавий камол топишини сақлаш ва мустаҳкамлаш;

боланинг шахсини шакллантириш, унинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, боланинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, унинг ижтимоий тажриба орттиришини таъминлаш;

боланинг ёш ва ўзига хос имкониятлари, қобилиятлари ва эҳтиёжларига қараб ҳар томонлама камол топишини таъминлаш;

болани шакллантиришда, тарбиялашда ва ўқитишда оилага ҳар

томонлама ёрдам бериш;

болаларнинг билим орттиришини, ижтимоий-шахсий, бадий-эстетик ва жисмоний камол топишини таъминлаш.

3-боб. Қисқа муддатли гуруҳлар ташкил этиш, уларга қабул қилиш ва уларни тўлдириш тартиби

8. Қисқа муддатли гуруҳлар мактабгача таълим ташкилотларида фойдаланилмайдиган хоналар бўлганда ташкил этилади.

9. Нодавлат мактабгача таълим ташкилотларидаги қисқа муддатли гуруҳларга болалар уларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг (кейинги ўринларда қонуний вакиллар деб аталади) аризаси ва бола соғлиғи ҳолати тўғрисидаги тиббий хулоса асосида қабул қилинади.

10. Давлат мактабгача таълим ташкилотларидаги қисқа муддатли гуруҳларга болалар қуйидагилар асосида қабул қилинади:

боланинг қонуний вакили аризаси;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ваколатли орган берган йўлланма;

бола соғлиғи ҳолати тўғрисидаги тиббий маълумотнома.

11. Давлат мактабгача таълим ташкилотларидаги қисқа муддатли гуруҳлар ўз фаолиятини давлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг буйруғи асосида амалга оширади.

12. Нодавлат мактабгача таълим ташкилотларидаги қисқа муддатли гуруҳлар ўз фаолиятини боланинг қонуний вакиллари билан шартнома асосида амалга оширади.

13. Битта хонада кўпи билан 3 та қисқа муддатли гуруҳ фаолиятини учта сменада ташкил этишга йўл қўйилади.

14. Қисқа муддатли гуруҳлар мактабгача таълим ташкилотларининг санитария-гигиена талабларига ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жавоб берадиган хоналарида ташкил этилади.

15. Давлат мактабгача таълим ташкилотларидаги қисқа муддатли гуруҳларга 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар қабул қилинади.

16. Нодавлат мактабгача таълим ташкилотларидаги қисқа муддатли гуруҳларга 2 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар қабул қилинади.

17. Қисқа муддатли гуруҳлар ҳам бир хил ёшдаги, ҳам турли ёшдаги болалар билан тўлдирилиши мумкин.

18. Болаларни қисқа муддатли гуруҳлардан чиқариб юбориш мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади ва:

бола қонуний вакилининг аризаси бўйича;

тиббий кўрсатмалар бўйича;

бола мактабгача таълим ташкилотининг тўлиқ кунли гуруҳига жойлаштирилганда амалга оширилади. Бу ҳақда қисқа муддатли гуруҳга борадиган боланинг қонуний вакиллари мактабгача таълим ташкилотига йўлланма олган кундан бошлаб 14 кун ичида мактабгача таълим ташкилотининг раҳбарини хабардор қилиши шарт.

19. Қисқа муддатли гуруҳларнинг ишлаш тартиби мактабгача таълим ташкилотининг уставида ва боланинг қонуний вакили билан тузиладиган шартномада белгиланади.

20. Давлат мактабгача таълим ташкилотларида қисқа муддатли гуруҳларнинг қуйидаги турлари фаолият кўрсатиши мумкин:

ривожлантириш гуруҳи;

болаларни бошланғич таълимга бир йил мажбурий бепул тайёрлов гуруҳи;

инклюзив гуруҳ;

кечки, дам олиш ва байрам кундаги гуруҳ.

Ривожлантириш гуруҳи 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар учун уларни ҳар томонлама камол топтириш, тенгдошлари ва катталар даврасига мослаштириш мақсадида ташкил этилади. Ривожлантириш гуруҳи камида 20 нафар ва кўпи билан 30 нафар бола билан тўлдирилади.

Болаларни бошланғич таълимга бир йил мажбурий бепул тайёрлов гуруҳи 5-6 ёшдаги болалар учун (умумтаълим муассасаларига қабул қилишдан бир йил аввал) мактабгача таълим ташкилотларига бормайдиган болаларга мактабгача таълим ва тарбия олишида ёрдам бериш мақсадида, шунингдек, болаларни умумтаълим муассасаларида ўқишга тайёрлаш ва тенг имкониятлар яратиш мақсадида ташкил этилади.

Болаларни бошланғич таълимга бир йил мажбурий бепул тайёрлов гуруҳи кўпи билан 30 нафар бола билан тўлдирилади.

Болаларни бошланғич таълимга бир йил мажбурий бепул тайёрлов гуруҳи кўпинча мактабгача таълим ташкилотлари негизида, шунингдек, бўш турган хоналар бўлса – умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, “Баркамол авлод” болалар марказлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маданият марказлари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари негизида ташкил этилади;

Инклюзив гуруҳ 2 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар учун ўзига хос эҳтиёжлари бор болани жамиятга мослаштиришни таъминлаш, боланинг қонуний вакилларига маслаҳат-методик кўмаклашиш, ўзига хос эҳтиёжи бор болаларнинг бундай заифликка эга бўлмаган болалар билан бирга ўқиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ташкил этилади.

Кечки, дам олиш ва байрам кундаги гуруҳ 3 ёшдан 7 ёшгача болалар учун болаларни тарбиялаш, таълим бериш, парваришлаш ва уларга қараб туриш масалаларида қонуний вакилларга ёрдам бериш мақсадда ташкил

этилади. Кечки, дам олиш ва байрам кундаги гуруҳ кўпи билан 15 нафар бола билан тўлдирилади.

Нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига қисқа муддатли гуруҳлар гурига қараб 7 ёшгача бўлган болалар қабул қилиниши мумкин.

Мактабгача таълим ташкилотларида қонун ҳужжатларига мувофиқ қисқа муддатли гуруҳларнинг бошқа турлари ташкил этилиши мумкин.

21. Давлат мактабгача таълим ташкилотларидаги қисқа муддатли гуруҳлар учун қуйидаги штат бирликлари белгиланади:

битта гуруҳ учун – 0,5 бирлик тарбиячи ва 0,5 бирлик тарбиячи ёрдамчиси;

иккита гуруҳ учун – 0,25 бирлик тиббий ҳамшира ва 0,25 бирлик мусиқа раҳбари.

22. Қисқа муддатли гуруҳлар фаолияти ташкил этилган мактабгача таълим ташкилоти қуйидагилар учун жавоб беради:

боланинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

болалар мактабгача таълим ташкилотида бўлган вақтида уларнинг ҳаёти ҳимоя қилинишини ва соғлиғи мустаҳкамланишини ташкил этиш;

таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда қўлланиладиган шакллар, усуллар ва воситаларнинг болаларнинг ёш, рухий ва физиологик хусусиятлари, қизиқишлари, қобилиятлари, манфаатлари ва эҳтиёжларига мувофиқлиги;

болаларни умумтаълим муассасаларидаги бошланғич таълимга шахсга йўналтирилган ёндашувни қўллаган ҳолда тайёрлаш сифати;

болаларни умумтаълим муассасаларидаги бошланғич таълимга шахсга йўналтирилган ёндашувни қўллаган ҳолда тайёрлаш сифати;

умумтаълим дастурларини амалга оширишни тегишли сифатда ва белгиланган ҳажмда таъминламаслик.

4-боб. Қисқа муддатли гуруҳларда таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш

23. Қисқа муддатли гуруҳлардаги таълим-тарбия жараёнининг мазмуни Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган Мактабгача таълимнинг давлат таълим дастурига ҳамда Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган мактабгача таълим ташкилоти дастурида белгилаб берилади.

24. Қисқа муддатли гуруҳлардаги таълим-тарбия жараёнининг мазмуни мослашувчан хусусиятга эга, шунингдек, боланинг ўзига хос, шахсга йўналтирилган камол топишини таъминлайдиган инновацион педагогик технологиялардан фойдаланишни ўз ичига олади.

25. Қисқа муддатли гуруҳлардаги таълим-тарбия жараёни якка тартибдаги ва биргаликдаги фаолиятнинг ҳар хил шакллари – ҳам катта ёшдагиларнинг болалар билан, ҳам болаларнинг ўзлари иштирокидаги шакллари ўз ичига олади.

26. Негизида қисқа муддатли гуруҳ ташкил этилган мактабгача таълим ташкилотининг раҳбари болалар билан методик ишларни ташкил этади, қисқа муддатли гуруҳларда таълим-тарбия жараёни ташкил этилишини ва ҳужжатлар юритилишини назорат қилади.

27. Қисқа муддатли гуруҳларда болалар билан машғулотларни ташкил этишда таълим юкласи бир ҳафталик таълим юкласининг энг кўп рухсат этилган ҳажмидан ва машғулотларнинг энг кўп рухсат этилган сонидан ошмаслиги керак.

28. Узлуксиз таълим фаолияти муддати санитария талабларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилади.

5-боб. Қисқа муддатли гуруҳларни молиялаштириш

29. Давлат мактабгача таълим ташкилотларидаги қисқа муддатли гуруҳларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, болаларни мактабгача таълим ташкилотларида сақлаш учун олинadиган ота-оналар тўлови, жисмоний ва юридик шахсларнинг хайр-эҳсонлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

30. Таълим фаолиятини олиб борувчи қисқа муддати гуруҳларнинг педагог ходимлари меҳнатига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақ тўланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “ 13 ” майдаги
391 -сон қарорига
3-илова

**Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари
ва қўшма типдаги мактабгача таълим ташкилотлари тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларининг (кейинги ўринларда ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотлар деб аталади) ва қўшма типдаги мактабгача таълим ташкилотларининг (кейинги ўринларда қўшма типдаги мактабгача ташкилотлар деб аталади) мақсадлари ва вазифалари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда жавобгарлигини, шунингдек, уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотлар ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотлар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига, ушбу Низомга ҳамда ўз уставига амалга қилади.

3. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотларнинг фаолияти жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларнинг мактабгача таълим олишига, шунингдек, уларни тарбиялаш ва реабилитация қилишга қаратилган.

Қўшма типдаги мактабгача ташкилотларнинг фаолияти жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ва ривожланишида нуқсонлари бўлмаган болаларнинг бир ташкилотда алоҳида гуруҳларда биргаликда ўқишини ва тарбияланишини ташкил этишга қаратилган.

Қўшма типдаги мактабгача ташкилотларда инклюзив гуруҳлар ташкил этилиши мумкин.

4. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотлар ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотлар давлат ташкилотлари ва нодавлат ташкилотлар бўлиши мумкин.

5. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилот ва қўшма типдаги мактабгача ташкилот аккредитацияси аттестация асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

6. Давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилоти ва қўшма типдаги мактабгача ташкилот юридик шахслар ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ҳамда штампга, мустақил балансга, бюджет ва бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобварақларига эга.

7. Нодавлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилот ва қўшма типдаги мактабгача ташкилот юридик шахслар ҳисобланади, ажратилган мол-мулкка, мустақил балансга эга, ўз мажбуриятлари бўйича ўз ихтиёридаги мол-мулк билан жавоб беради, ўз номи ёзилган муҳрга ва штампга эга бўлиши мумкин.

8. Нодавлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилот ва қўшма типдаги мактабгача ташкилот лицензия олган вақтдан бошлаб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таълим фаолиятини амалга оширади.

2-боб. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилот ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотнинг мақсадлари ҳамда вазифалари

9. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилот ва қўшма типдаги мактабгача ташкилот мақсадлари қуйидагилардан иборат:

боланинг таълим олишга бўлган ҳуқуқи амалга оширилишини таъминлаш;

болаларни ўқитиш ва тарбиялаш, жамиятга мослаштириш, шунингдек, ривожланишидаги нуқсонларни коррекциялаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

болаларнинг ёш ва ўзига хос имкониятларига, қобилиятлари ва эҳтиёжларига мувофиқ уларнинг жисмоний, ақлий ва маънавий камол топишини таъминлаш;

боланинг шахсини шакллантириш, унинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, унинг ижтимоий тажриба орттиришини таъминлаш.

10. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилот ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига, шунингдек, улар асосида ишлаб чиқилган таълим-тарбия ва коррекцион ишларни ташкил этиш дастурларига мувофиқ

тарбияланувчиларга таълим-тарбия ва коррекция-педагогик ёрдам берилишини таъминлаш;

болаларда Ватанга муҳаббат, оилага ҳурмат билан муносабатда бўлиш, миллий кадриятлар ва урф-одатларга ҳурмат, ўзига ва атроф муҳитга онгли муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш;

тиббий абилитация ва реабилитация ўтказиш, болалар ривожланишидаги нуқсонларни компенсация ва коррекция қилиш;

болаларга сифатли мактабгача таълим ва тарбия олиш имконини берадиган шарт-шароитлар яратиш;

болаларнинг ижтимоий мослашувчанлигини ҳамда таълим ва тарбия олишни давом эттиришга тайёрлигини таъминлаш;

болаларни умумтаълим муассасаларида ўқишга тайёрлаш;

ўқув жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларни жорий этиш.

3-боб. Давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилоти ва қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилотини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби

11. Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа давлат ташкилотлари давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилоти ёки қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилотнинг муассислари бўлиши мумкин.

12. Давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотларини ташкил этиш учун гуруҳларнинг энг кам сони 6 тани ташкил этади.

Қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилотларини ташкил этиш учун гуруҳларнинг энг кам сони тегишли равишда қуйидагиларни ташкил этиши керак:

а) камида 4 та инклюзив гуруҳ;

б) қуйидаги ихтисосликлардан бири бўйича ривожланишида жисмоний ёки психик нуқсонлари бўлган болалар учун камида 4 та гуруҳ;

эшитишда оғир нуқсонлари бўлган болалар учун;

кўришда оғир нуқсонлари бўлган болалар учун;

психик ривожланиши кечиккан болалар учун;

таянч-ҳаракат аппаратида нуқсонлари бўлган болалар учун.

13. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонлари бўлган 5 ёшга бўлган болалар контингенти мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳар йили йиғиб боради

ва бу маълумотни Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигига белгиланган тартибда тақдим этади.

14. Давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилоти ва кўшма типдаги давлат мактабгача ташкилоти Мактабгача таълим вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси (кейинги ўринларда мактабгача таълим ҳудудий бошқарув органлари, деб аталади) Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси (кейинги ўринларда соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқарув органлари деб аталади) билан биргаликда бундай муассасаларга бўлган эҳтиёжни ўрганиш якунлари бўйича ташкил этилади.

15. Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар мавжуд бўлса, мактабгача таълимнинг ҳудудий бошқарув органлари соғлиқни сақлашнинг ҳудудий бошқарув органлари билан биргаликда давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотини ёки кўшма типдаги давлат мактабгача ташкилотини ташкил этиш тўғрисидаги таклиф билан Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигига мурожаат қилади.

Давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотини ёки кўшма типдаги давлат мактабгача ташкилотини ташкил этиш тўғрисидаги таклиф охириги 5 йил ҳар йилга бўлиб чиқилган ва тегишли ҳудуддаги 5 ёшгача бўлган болалар орасида қайд этилган касалликлар ўсишини кўрсатадиган соғлиқни сақлаш органларининг расмий статистика маълумотлари билан асосланган бўлиши керак.

16. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотни ёки кўшма типдаги давлат мактабгача ташкилотини ташкил этиш масаласини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишиб олганидан кейин Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тегишли таклиф билан мурожаат қилади.

17. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотни ёки кўшма типдаги мактабгача ташкилотни ташкил этиш тўғрисидаги қарор Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан қабул қилинади.

18. Давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотларининг ва кўшма типдаги давлат мактабгача ташкилотларининг бино ҳамда иншоотлари Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан келишилмасдан хусусийлаштирилиши, ўзгага берилиши ва қайта ихтисослаштирилиши мумкин эмас.

Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилот ва қўшма типдаги мактабгача ташкилот ўқув йили тугаганидан кейин қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ёки тугатилади.

Давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотини ва қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилотини қайта ташкил этиш ёки тугатиш жараёнида болаларни бошқа давлат мактабгача таълим ташкилотларига ўтказиш Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоят мактабгача таълим бошқармалари, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси томонидан боланинг қонуний вакиллари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

4-боб. Нодавлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотларнинг ва қўшма типдаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг фаолиятини лицензиялаш

19. Нодавлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотлар ва қўшма типдаги нодавлат мактабгача ташкилотлар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан бериладиган лицензияни олган вақтдан бошлаб амалга оширади.

5-боб. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотларнинг ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

20. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотлар ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотлар куйидаги ҳуқуқларга эга:

тасдиқланган мослаштирилган таълим дастури асосида мустақил равишда ўз таълим дастурини ишлаб чиқиш;

боланинг қонуний вакиллари билан ҳамкорлик қилиш;

мактабгача таълим тизимини ривожлантириш бўйича инновацион фаолиятда қатнашиш.

Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотлар ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

21. Ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотлар:

болаларнинг жисмоний ўсиши ва соғлиғи мустаҳкамланиши учун санитария-гигиена меъёрларига мувофиқ шарт-шароитлар яратиши ва уларга риоя этилишини таъминлаши;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тегишли нозологияларни даволаш стандартларига мувофиқ болаларнинг абилитацияси ва реабилитациясини ўтказиш учун шарт-шароитларни яратиши;

таълим-тарбия ва коррекцион-педагогика жараёнини ташкил этишда қўлланиладиган шакллар, усуллар ва воситаларнинг болаларнинг ёш, психик ва физиологик хусусиятлари, қизиқишлари, қобилиятлари, манфаатлари ва эҳтиёжларига мос келишини таъминлаши;

болалар тўғри овқатланишини ва уларга тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиши;

болаларни шахсга йўналтирилган ёндашувни қўллаган ҳолда умумтаълим муассасаларида ўқишга сифатли тайёрлашни таъминлаши;

мактабгача таълим сифатини таъминлаш устидан назорат олиб боришда, саломатликни муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш, абилитация ва реабилитация тадбирларини ўтказишда ваколатли давлат органларига кўмаклашиши;

ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотдаги гуруҳларни ихтисослаштирилган мактабгача таълимга қўйиладиган талабларга мувофиқ болалар билан тўлдирилиши;

қўшма типдаги мактабгача ташкилотлардаги инклюзив гуруҳлар учун мўлжалланган гуруҳларни умумий типдаги мактабгача таълим ташкилотларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларга мўлжалланган гуруҳларни ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотларга қўйиладиган талабларга мувофиқ болалар билан тўлдирилиши шарт.

Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотлар ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлари ҳам бўлиши мумкин.

22. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотлар ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотлар қуйидагилар учун жавоб беради:

болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

болалар ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотда ёки қўшма типдаги мактабгача ташкилотда бўлган вақтида уларнинг ҳаётини ҳимоя қилишни ва соғлиғини мустаҳкамлашни ташкил этиш;

белгиланган талабларга мувофиқ таълим-тарбия, коррекцион-педагогика ҳамда реабилитация жараёнларини амалга ошириш;

болани тарбиялаш ва таълим бериш масалалари бўйича унинг қонуний вакилларига маслаҳатлар билан ёрдам бериш;

умумтаълим дастурларини амалга оширишни тегишли сифатда ва белгиланган ҳажмда таъминлаш;

ушбу Низомда назарда тутилган вазифалар ва функцияларни бажариш.

23. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотларнинг ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотларнинг фаолияти устидан мониторинг ҳамда назорат ваколатли давлат органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

24. Ўқув жараёнидан сиёсий мақсадларда ёки таълим олаётган болаларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларига зид ҳаракатларни содир этишга ундаш учун фойдаланиш тақиқланади.

6-боб. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотларга ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотларга болаларни қабул қилиш ҳамда улардан чиқариш

25. Болаларни ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотга ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотга қабул қилиш ушбу ташкилотда бўш жойлар бўлса, календарь йил давомида амалга оширилади.

Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотларга болаларни қабул қилиш:

тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг белгиланган тартибда берилган хулосаси;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган шакл бўйича боланинг тиббий картаси ва профилактик эмлаш картаси асосида амалга оширилади.

Қўшма типдаги мактабгача ташкилотнинг инклюзив гуруҳларига жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонлари бўлмаган болалар:

бола қонуний вакилининг аризаси;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ваколатли орган берган йўлланма (қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилоти учун);

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган шакл бўйича боланинг тиббий картаси ва профилактик эмлаш картаси асосида қабул қилинади.

Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларга мўлжалланган гуруҳларга, шунингдек, қўшма типдаги мактабгача ташкилотнинг инклюзив гуруҳларига жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар:

бола қонуний вакилининг аризаси;

тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг белгиланган тартибда берилган хулосаси;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган шакл бўйича боланинг тиббий картаси ва профилактик эмлаш картаси асосида қабул қилинади.

26. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотда, қўшма типдаги мактабгача ташкилотнинг жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларга мўлжалланган ҳамда инклюзив гуруҳларда бўлиш даври, коррекцион ишлари муддати тиббий-психологик-педагогик комиссия томонидан белгиланади.

27. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотга ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотга қуйидаги нуқсонлари бўлган болалар қабул қилинмайди:

- оғир ва чуқур даражадаги акли заифлик;
- шизофрения, ҳиссий ироданинг чуқур бузилишлари;
- тез-тез такрорланувчи умумлашган эпилептик хуружлар;
- турли сабабли психопатия ва психопатсимон ҳолатларнинг оғир шакллари;
- асаб тизимининг органик шикастланганлиги сабабли сийдик ва нажас ушлаб туrolмаслик;
- юрак-қон томир, нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш тизимининг хуруж ва декомпенсация босқичи.

7-боб. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотда ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотда таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш

28. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилот ва қўшма типдаги мактабгача ташкилот мактабгача таълимга қўйиладиган белгиланган давлат талабларига мувофиқ болалар таълим олиши, тарбияланиши, парваришланиши ва соғломлаштирилишини таъминлайди.

29. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотдаги ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотдаги таълим-тарбия жараёнининг мазмуни Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган таълим дастури асосида, Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган (шу жумладан, муаллифлик, мослаштирилган ва бошқа) дастур билан белгиланади.

30. Таълим-тарбия жараёни машғулотларнинг йиллик, календарь-мавзули режалари ва жадвали билан тартибга солинади.

31. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилот ва қўшма типдаги мактабгача ташкилот қонун ҳужжатларига ҳамда Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ болаларга таълим бериш ва тарбиялаш шакллари, воситалари ва усуллари танлайди.

32. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотда ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотда таълим-тарбия жараёни ишлаб чиқиладиган якка тартибдаги йўналиш асосида болаларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ташкил этилади. Машғулотлар фронтал, кичик гуруҳ ва якка тартибда олиб борилади.

33. Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларга куйидаги тамойиллар асосида таълим берилади ва тарбияланади:

таълимнинг коррекцион йўналтирилганлиги;

ижтимоий мослашуви;

таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда таълимнинг махсус методологиясидан ва тоифаланган ёндашувдан фойдаланиш.

34. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотда ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотда беш кунлик иш ҳафтаси белгиланади.

35. Болалар ташкилотда бўладиган муддатга қараб ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотдаги ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотдаги гуруҳлар:

кисқа муддатлигуруҳлар (кунига 3,5–4 соат);

тўлик кунли гуруҳлар (кунига 10,5 ва 12 соатгача);

болалар кечаю кундуз бўладиган гуруҳлар бўлиши мумкин.

36. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотда ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотда ишлаш тартиби ҳамда тарбияланувчиларнинг бўлиш муддати унинг уставида ва муассис қарорида белгиланади.

37. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилот ва боланинг қонуний вакиллари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, қўшма типдаги мактабгача ташкилот ва боланинг қонуний вакиллари ўртасидаги ўзаро муносабатлар бола ушбу ташкилотга жойлаштирилганда тузиладиган шартнома билан тартибга солинади.

38. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотда ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотда таълим-тарбия жараёни махсус мактабгача таълим бўйича тегишли малакага эга педагог ходимлар томонидан ўтказилади. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотдаги ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотдаги таълим-тарбия жараёнининг психологик-педагогик кузатуви психологлар томонидан амалга оширилади.

39. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотда ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотда таълим-тарбия давлат тилида ҳамда “Давлат тили тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ бошқа тилларда олиб борилади.

8-боб. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотда ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотда реабилитация жараёнини ташкил этиш

40. Давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотларида ва қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилотларида ривожланишида жисмоний ёки психик нуқсонлари бўлган болалар учун реабилитация тадбирлари ташкилот штатидаги тиббиёт ходимлари, шунингдек, ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотга ёки қўшма типдаги мактабгача ташкилотга ҳудудий бириктирилган соғлиқни сақлаш органлари тиббиёт ходимлари томонидан ўтказилади.

41. Нодавлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотларда ва қўшма типдаги нодавлат мактабгача ташкилотларда реабилитация тадбирлари ташкилот штатидаги тиббиёт ходимлари, шунингдек, бошқа тиббиёт ходимлари томонидан шартнома асосида ўтказилади.

42. Тиббиёт ходимлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган даволаш стандартларига мувофиқ тарбияланувчининг ривожланишидаги нуқсонларни коррекция қилишга, ривожланишида жисмоний ёки психик нуқсонлари бўлган болаларни тиббий реабилитация қилиш, абилитация қилиш ва ижтимоий мослашувга қаратилган даволаш-соғломлаштириш тадбирларини ўтказилади.

43. Даволашнинг белгиланган курси доирасида тиббий реабилитация муолажаларини ўтказиш ҳар бир тарбияланувчи учун машғулотлар жадвалини ҳисобга олиб яқка тартибда ўтказилади.

44. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотда ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотда боланинг бўлиш муддати тугаганидан сўнг унинг қонуний вакиллари яшаш жойидаги тиббиёт муассасаси учун ривожланишида жисмоний ёки психик нуқсонлари бўлган ҳар бир боланинг тиббий картасидан кўчирма берилади.

45. Тиббий жисмоний тарбия бўйича машғулотлар тиббий жисмоний тарбия инструктори ёки тегишли тайёргарликка эга ўқитувчи томонидан ўтказилади.

46. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотда ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотда барча соғломлаштириш ва реабилитация тадбирлари тўғри ташкил этилиши ҳамда ўтказилиши устидан назорат ушбу ташкилот жойлашган жойдаги соғлиқни сақлаш органлари томонидан амалга оширилади.

47. Давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилоти ва қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилотининг штатидаги ходимлар соғлиқни сақлаш муассасаларида бепул тиббий текширувдан ўтади.

48. Нодавлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотлар ва қўшма типдаги нодавлат мактабгача ташкилотлар ходимлари соғлиқни сақлаш

органларининг муассасалари томонидан шартнома асосида тиббий текширувдан ўтказилади.

9-боб. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотда ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотда гуруҳларни тўлдириш

49. Давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотда жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонлари бўлган 2 ёшдан 7 ёшгача тарбияланувчилар контингентига мувофиқ қуйидаги гуруҳлар тузилади:

- нутқида оғир нуқсонлари бўлган тарбияланувчилар учун;
- эшитишида оғир нуқсонлари бўлган тарбияланувчилар учун;
- кўришида оғир нуқсонлар бўлган тарбияланувчилар учун;
- психик ривожланишда кечикаётган тарбияланувчилар учун;
- аклик заифлик билан тарбияланувчилар учун;
- таянч-ҳаракат аппаратида нуқсонлари бўлган тарбияланувчилар учун.

50. Давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотда гуруҳлар болаларнинг тоифасига ва ёшига қараб тўлдирилади ҳамда тегишли равишда қуйидагиларни ташкил этади:

кар тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда – камида 8 нафар ва кўпи билан 10 нафар тарбияланувчи;

заиф эшитучи тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда – камида 10 нафар ва кўпи билан 12 нафар тарбияланувчи;

кўзи ожиз тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда – камида 8 нафар ва кўпи билан 10 нафар тарбияланувчи;

заиф кўрувчи яхши кўрмайдиган тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда – камида 10 нафар ва кўпи билан 12 нафар тарбияланувчи;

таянч-ҳаракат аппаратида нуқсонлар бўлган тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда – камида 15 нафар ва кўпи билан 18 нафар тарбияланувчи;

гемипарез, монопарез, плегия асоратлари билан тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда – камида 10 нафар ва кўпи билан 12 нафар тарбияланувчи;

болалар церебрал фалажи синдроми асоратлари билан тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда – камида 8 нафар ва кўпи билан 10 нафар тарбияланувчи;

енгил даражада акли заиф бўлган уч ёшдан катта тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда – камида 8 нафар ва кўпи билан 12 нафар тарбияланувчи; ўрта даражада аклий заиф бўлган уч ёшдан катта

тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда – камида 6 нафар ва кўпи билан 10 нафар тарбияланувчи;

нутқида оғир нуқсонлари бўлган уч ёшдан катта тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда – камида 10 нафар ва кўпи билан 12 нафар тарбияланувчи;

аутизм билан уч ёшдан катта тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда – камида 8 нафар ва кўпи билан 10 нафар тарбияланувчи;

психик ривожланишда кечикаётган уч ёшдан катта болаларга мўлжалланган гуруҳларда – камида 10 нафар ва кўпи билан 12 нафар тарбияланувчи;

мураккаб нуқсонли (икки ва ундан ортиқ нуқсонли) тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда – камида 8 нафар ва кўпи билан 10 нафар тарбияланувчи.

51. Қўшма типдаги мактабгача ташкилотларда инклюзив гуруҳлар ёши бўйича тўлдирилади.

52. Қўшма типдаги мактабгача ташкилотларда уч ёшдан катта болаларга мўлжалланган инклюзив гуруҳлар жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларнинг тоифасига қараб тўлдирилади ҳамда қуйидагини ташкил этади:

камида 20 нафар ва кўпи билан 25 нафар бола, шу жумладан, кўпи билан жисмоний ёки психик ривожланишда нуқсонлари бўлган (заиф кўрувчилар ёки заиф эшитувчилар ёки таянч-ҳаракат аппаратида нуқсонлар бўлган) 3 нафар бола;

камида 20 нафар ва кўпи билан 25 нафар бола, шу жумладан, кўпи билан жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонлари бўлган (амблиопия билан, кўзи ғилайлик, ёки нутқида оғир нуқсонлари бўлган ёки аутизм билан) 2 нафар бола;

камида 20 нафар ва кўпи билан 25 нафар бола, шу жумладан, кўпи билан нутқида оғир нуқсонлари бўлган 3 нафар бола;

камида 20 нафар ва кўпи билан 25 нафар бола, шу жумладан, кўпи билан психик ривожланишда кечикаётган 3 нафар бола.

Қўшма типдаги мактабгача ташкилотларда гуруҳлар болаларнинг тоифасига ва ёшига қараб тўлдирилади ҳамда тегишли равишда қуйидагини ташкил этади:

кар болаларга мўлжалланган гуруҳларда – камида 8 нафар ва кўпи билан 10 нафар бола;

заиф эшитувчи болаларга мўлжалланган гуруҳларда – камида 10 нафар ва кўпи билан 12 нафар бола;

кўзи ожиз болаларга мўлжалланган гуруҳларда – камида 8 нафар ва кўпи билан 10 нафар бола;

заиф кўрувчи болаларга мўлжалланган гуруҳларда – камида 10 нафар ва кўпи билан 12 нафар бола;

таянч-ҳаракат аппаратида нуқсонлар бўлган болаларга мўлжалланган гуруҳларда – камида 15 нафар ва кўпи билан 18 нафар бола;

гемипарез, монопарез, плегия асоратлари билан болаларга мўлжалланган гуруҳларда – камида 10 нафар ва кўпи билан 12 нафар бола;

болалар церебрал фалажи синдроми асоратлари билан болаларга мўлжалланган гуруҳларда – камида 8 нафар ва кўпи билан 10 нафар бола;

енгил даражада ақли заиф бўлган уч ёшдан катта тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда – камида 8 нафар ва кўпи билан 12 нафар тарбияланувчи; ўрта даражада ақлий заиф бўлган уч ёшдан катта тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда – камида 6 нафар ва кўпи билан 10 нафар тарбияланувчи;

аутизм билан уч ёшдан катта тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда – камида 8 нафар ва кўпи билан 10 нафар тарбияланувчи;

психик ривожланишда кечикаётган уч ёшдан катта болаларга мўлжалланган гуруҳларда – камида 10 нафар ва кўпи билан 12 нафар тарбияланувчи;

мураккаб нуқсонли (икки ва ундан ортиқ нуқсонли) тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда – камида 8 нафар ва кўпи билан 10 нафар тарбияланувчи.

53. Нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида гуруҳларни тўлдириш тартиби мактабгача таълим ташкилотларини сақлаб туриш, тузиш ва уларда ишлаш тартибини ташкил этишга қўйилган санитария-гигиена талабларини ҳисобга олган ҳолда муассис томонидан белгиланади.

10-боб. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотларда ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотларда овқатланишни ташкил этиш

54. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотда ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотда овқатланиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

55. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотда ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотда тарбияланувчилар овқатланишини ташкил этиш учун жавобгарлик ушбу ташкилотнинг раҳбари зиммасига юкланади.

11-боб. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотлар ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотлар фаолиятини молиялаштириш

56. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилот ва қўшма типдаги мактабгача ташкилот фаолияти қуйидагилар ҳисобига молиялаштирилади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

болаларнинг мактабгача таълим ташкилотларида бўлган даври учун олинadиган ота-оналар тўлови;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрий хайрия эҳсонлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

57. Давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотига ва қўшма типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотига қўшимча бюджет маблағларини жалб қилиш бюджетдан молиялаштиришни камайтиришга олиб келмайди.

58. Нодавлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотни ва қўшма типдаги нодавлат мактабгача ташкилотни молиялаштириш ҳамда моддий-техник таъминлаш муассис маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрий хайрия эҳсонлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

59. Давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотларида ва қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилотларида болаларнинг бўлган даври учун олинadиган ота-оналар тўлови қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ундирилади.

60. Нодавлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотларда ва қўшма типдаги нодавлат мактабгача ташкилотларда болаларнинг бўлган даври учун олинadиган хизматлар ҳақи муассис томонидан шартнома асосида белгиланadиган нархлар ва тарифлар бўйича тўланади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

61. Ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож оилалардан келган тарбияланувчилар учун ота-оналар тўлови имтиёзли шартлар асосида қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда олинади.

62. Давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотларида ва қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилотларида ота-оналар тўлови ундирилмайдиган тарбияланувчиларнинг жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонлари рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда белгиланади.

63. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотни молиялаштириш ихтисослаштирилган мактабгача ташкилот томонидан тасдиқланган ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган харажатлар сметаси асосида амалга оширилади.

Қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилотларининг инклюзив гуруҳлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган ва рўйхатга олинган умумий типдаги мактабгача таълим ташкилотлари учун харажатлар сметаси асосида молиялаштирилади.

Қўшма типдаги мактабгача ташкилотларнинг жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонлар бўлган болаларга мўлжалланган гуруҳлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган ва рўйхатга олинган ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари учун харажатлар сметаси асосида молиялаштирилади.

64. Давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотида ва қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилотида ходимлар иш ҳақи қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотида раҳбарлар, педагогик ва тиббиёт ходимлари, шунингдек, тарбиячилар ёрдамчилари лавозим маошларига ҳамда тариф ставкаларига 100 фоиз миқдорда қўшимча тўлов тўланади.

Қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилотларининг жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларга мўлжалланган гуруҳларда ишловчи педагог ва тиббиёт ходимлари, шунингдек, тарбиячилар ёрдамчилари лавозим маошларига ҳамда тариф ставкаларига 100 фоиз миқдорда қўшимча тўлов тўланади.

65. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилот ва қўшма типдаги мактабгача ташкилот тегишли давлат органларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда молиявий ва статистик ҳисобот тақдим этади.

66. Давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилоти ва қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилотининг молия-ҳўжалик фаолияти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан назорат қилинади.

12-боб. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотини ва қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилотини бошқаруви

67. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотни ва қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилотини бошқариш қонун ҳужжатларига, ушбу Низомга ва мазкур ташкилотнинг уставига мувофиқ амалга оширилади.

68. Давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотини ва қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилотини бошқариш органлари қуйидагилардан иборат:

Педагогик кенгаши;

Кузатув кенгаши;

давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилоти ва қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилоти раҳбари.

Нодавлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотлар ва нодавлат қўшма типдаги мактабгача ташкилотлар ўз бошқарув органлари тизимини мустақил белгилайди.

69. Давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилоти ва қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилоти педагогика кенгаши:

давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотида ва қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилотида таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш масалаларини кўриб чиқади;

давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилоти ва қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилоти иш режасини ҳамда педагог ходимларнинг педагогик юкласини белгилайди;

давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилоти ва қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилоти таълим дастурини амалга ошириш натижаларини баҳолайди;

давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилоти ва қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилотининг боланинг қонуний вакиллари билан ҳамкорлиги тартибини белгилайди;

давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилоти ва қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилоти педагог ходимлари малакасини ошириш, уларнинг ижодий ташаббусини ривожлантириш, таълим жараёнига фан ютуқларини ва илғор педагогик тажрибани жорий этиш масалаларини муҳокама қилади;

давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилоти ва қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилоти ходимларини маънавий ва моддий рағбатлантириш масалаларини кўриб чиқади;

давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилоти ва қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилоти раҳбари ва педагогик ходимлари ҳисоботларини эшитади.

Давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилоти ва қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилотининг Педагогик кенгаши қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам бажариши мумкин.

70. Давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотида ва қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилотида болани тарбиялаш, ривожлантириш ва таълим беришда кўмаклашиш мақсадида Кузатув кенгаши ташкил этилади. Унинг таркиби ушбу ташкилотга борадиган болаларнинг қонуний вакиллари, унинг ходимлари, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакилларида тузилади.

Давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилоти ва қўшма типдаги

давлат мактабгача ташкилотининг Кузатув кенгаши:

давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилоти ва қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилотини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилайди;

туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими томонидан тавсия этилган номзодлар орасидан давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилоти ва қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилоти раҳбарини сайлайди, шунингдек уни эгаллаган лавозимидан озод қилиш бўйича таклифларни белгиланган тартибда киритади;

давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилоти ва қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилоти раҳбарининг унинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар, молия-хўжалик ҳолати, даромадлар ва харажатлар, бюджет, бюджетдан ташқари, хомийлик ва бошқа маблағлардан фойдаланиш тўғрисидаги даврий ҳисоботларини эшитади;

давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилоти ва қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилоти раҳбари, педагог ходимлар ва бошқа ходимлар фаолиятига тааллуқли ижтимоий сўровлар ўтказиши;

туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимларига давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилоти ва қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилоти ходимларини рағбатлантириш тўғрисида таклифлар киритади.

Давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилоти ва қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилотининг Кузатув кенгаши қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам бажариши мумкин.

71. Давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилоти ва қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилоти Кузатув кенгашининг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан белгиланади.

72. Давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотига ёки қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилотига Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари томонидан тавсия этилган номзодлар орасидан Кузатув кенгаши томонидан танланадиган мудир раҳбарлик қилади.

73. Мактабгача таълим ташкилотининг уставига мувофиқ лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор нодавлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотнинг ёки қўшма типдаги нодавлат мактабгача ташкилотнинг раҳбари ҳисобланади.

74. Мудир давлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилоти ёки қўшма типдаги давлат мактабгача ташкилоти фаолиятига жорий раҳбарлик

килади ҳамда давлат мактабгача таълим ташкилотининг Кузатув кенгаши ва муассис олдида ҳисоб беради

75. Директор нодавлат ихтисослаштирилган мактабгача ташкилот ёки қўшма типдаги нодавлат мактабгача ташкилот фаолиятига жорий раҳбарлик килади ва муассис олдида ҳисоб беради.

76. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилот ва қўшма типдаги мактабгача ташкилот раҳбарининг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари қонун ҳужжатларида, уставда, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, шунингдек, меҳнат шартномасида белгиланади.

77. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилот ва қўшма типдаги мактабгача ташкилот раҳбарининг лавозимига қўйиладиган малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан белгиланади.

78. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотда ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотда психолог, тиббиёт ва педагог ходимлардан иборат тиббий-психологик-педагогик кенгаш тузилади ҳамда фаолият кўрсатади.

Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилот ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотнинг тиббий-психологик-педагогик кенгаши:

бола қабул қилинганда унинг ўзига хос ва ёш хусусиятларини, соғлиғи ҳолати ва ривожланиш даражасини ҳисобга олиб коррекцион-педагогик ҳамда реабилитация тадбирларини ўтказиш юзасидан индивидуал йўналишни ишлаб чиқади;

индивидуал йўналишни амалга ошириш жараёнида бола ривожланиши динамикасини аниқлайди ва зарурат бўлса, унга ўзгартишлар киритади;

коррекцион-педагогик ва реабилитация тадбирлари натижалари, боланинг ўзига ўзи хизмат кўрсатиш кўникмалари даражаси ва ижтимоий мослашув динамикаси, таълим-тарбия дастурларини ўзлаштириши мониторингини олиб боради ва баҳолайди;

бола ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотда ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотда бўлган муддат давомида уни Тиббий-психологик-педагогик комиссияга қайта текширувга юбориш зарурати ҳақидаги масалани кўриб чиқади;

Тиббий-психологик-педагогик комиссия хулосасида кўрсатилган боланинг бўлиш муддати тугашидан камида бир ой олдин боланинг қонуний вакиллари тарбияланувчининг ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотда ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотда бўлиш муддати тугаганидан хабардор килади ҳамда ушбу ташкилотларда бўлишини давом эттириш юзасидан уни Тиббий-психологик-педагогик комиссияга текширувга юборади.

13-боб. Яқунловчи қоидалар

79. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотда ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотда сиёсий партиялар ва диний муассасаларнинг ташкилий тузилмалари ташкил этилишига ва фаолиятига йўл қўйилмайди.

80. Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотда ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотда халқаро ҳамкорлик, педагогик ахборот ва тажриба алмашиш, педагог ходимлар ва тиббиёт ходимлари амалиётини ўтказиш ва малакасини ошириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “13” майдаги
391 -сон қарорига
4-илова

**Болаларни кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларига ва кўшма типдаги мактабгача таълим ташкилотларига йўллаш бўйича тиббий-психологик-педагогик комиссия тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом болаларни кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларига (кейинги ўринларда ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотлари деб аталади), кўшма типдаги мактабгача таълим ташкилотларидаги (кейинги ўринларда кўшма типдаги мактабгача ташкилот деб аталади) жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларга мўлжалланган гуруҳларга, шунингдек, инклюзив гуруҳларга йўллаш бўйича тиббий-психологик-педагогик комиссия (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Комиссия Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоят мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси (кейинги ўринларда мактабгача таълим ҳудудий бошқарув органлари деб аталади) ҳузурида ташкил этилади.

Комиссия ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

3. Комиссия қуйидаги мақсадларда ташкил этилади:

жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларни аниқлаш;

комплекс тиббий-психологик-педагогик текширув (кейинги ўринларда текширув деб аталади) ўтқазиш ва текширув натижалари бўйича уларга тиббий-психологик-педагогик ёрдам кўрсатишга доир тавсиялар тайёрлаш, уларни ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотга, кўшма типдаги мактабгача ташкилотлардаги жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларга мўлжалланган гуруҳларга ва инклюзив гуруҳларга жойлаштириш;

аввал берилган тавсияларни тасдиқлаш, уларга аниқлик қиритиш ёки уларни ўзгартириш.

4. Комиссия ўз фаолиятини холислик, шаффофлик, ошкоралик ва бамаслаҳат ишлаш тамойиллари асосида амалга оширади.

5. Комиссия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда ушбу Низомга мувофиқ амалга оширади.

2-боб. Комиссия фаолиятини ташкил этиш

6. Комиссия раис, раис ўринбосари, Комиссия аъзолари ва котибидан иборат таркибда тузилади.

7. Комиссия таркиби ва иш жадвали мактабгача таълим ҳудудий бошқарув органлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг қўшма буйруғи билан тасдиқланади.

8. Комиссияга раис – мактабгача таълим ҳудудий бошқарув органининг раҳбари раҳбарлик қилади.

Соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқарув органининг оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш бўйича бошлиғи ўринбосари Комиссия раиси ўринбосари этиб тайинланади.

Мактабгача таълим ҳудудий бошқарув органининг ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи мутахассис Комиссия котиби этиб тайинланади.

Комиссия таркибига педиатр, невролог, психоневролог, ортопед-травматолог, офтальмолог, отоларинголог, дефектолог, педагог-психолог, шунингдек мактабгача таълим ҳудудий бошқарув органининг ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи мутахассис қиради.

Зарурат бўлса, раиснинг қарори билан Комиссия таркибига бошқа мутахассислар киритилади.

9. Комиссия раиси:

ушбу Низомга мувофиқ Комиссия ишини ташкил этади ва фаолиятига раҳбарлик қилади;

Комиссия мутахассисларига ижро этиш мажбурий бўлган топшириқлар беради, уларнинг бажарилишини назорат қилади;

боланинг ота-оналарини ёки уларнинг ўрнини босадиган шахсларни (кейинги ўринларда қонуний вакиллар деб аталади) Комиссия фаолиятининг асосий йўналишлари, жойлашган жойи, Комиссия иш тартиби ва жадвали ҳақида хабардор қилади;

Комиссия ишини ташкил этишни такомиллаштиришга доир таклифлар киритади;

ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотда, қўшма типдаги мактабгача ташкилотлардаги жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларга мўлжалланган гуруҳларда ва инклюзив гуруҳларда болаларни ўқитиш ва тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш юзасидан Комиссия тавсиялари ҳисобга олиниши устидан мониторинг олиб боради.

Комиссия раиси қуйидагилар учун жавоб беради:

Комиссия фаолиятини ушбу Низомга мувофиқ ташкил этиш;

вазифаларни бажариши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган ва болалар ҳамда уларнинг қонуний вакиллари ҳуқуқлари ва манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этмаслик;

текширув ўтказишда болалар ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш.

10. Комиссия йиғилиши бир ойда камида тўрт марта ўтказилади.

Комиссия йиғилишини ўтказиш даврийлиги мурожаатлар сонига ва ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотларда ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотларда бўш жойлар борлигига қараб жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларнинг маълумотлар базаси таҳлили асосида аниқланади.

Комиссия йиғилиши унда Комиссия аъзолари умумий сонининг камида тўртдан уч қисми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади.

Комиссия котиби Комиссия аъзоларини Комиссия йиғилиши ўтказиладиган сана ҳақида камида уч кун олдин хабардор қилади.

Комиссия сайёр йиғилишлар ўтказишга ҳақли.

11. Комиссия аъзолари Комиссия ишида қатнашади ва унинг қарори қабул қилинишида овоз беради. Комиссиянинг ҳар бир аъзоси битта овоз бериш ҳуқуқига эга. Овозлар тенг бўлиб қолганда Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

12. Текширув натижалари, шунингдек, Комиссияда болаларни текшириш билан боғлиқ маълумот махфий ҳисобланади. Болаларнинг қонуний вакиллари розилигисиз ушбу маълумотнинг берилишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

13. Болаларни текшириш, уларнинг қонуний вакиллариغا Комиссия мутахассислари томонидан маслаҳат бериш бепул амалга оширилади.

14. Комиссия фаолиятини амалга ошириш учун мактабгача таълим ҳудудий бошқарув органлари томонидан тегишли жиҳозлар ва инвентарь билан жиҳозланган алоҳида хона ажратилади.

3-боб. Комиссиянинг текшируви ва хулосасини бериш тартиби

15. Болани текширувдан ўтказиш учун Комиссияга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) боланинг қонуний вакили аризаси;

б) боланинг қонуний вакиллари паспортнинг асл нусхаси ва кўчирма нусхаси;

в) боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасининг асл нусхаси ва кўчирма нусхаси;

г) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган шакл бўйича боланинг тиббий картаси ва профилактик эмлаш картаси;

д) даволаш-профилактика муассасасининг бош врачлари томонидан имзоланган боланинг ривожланиши тарихидан муфассал кўчирма, қуйидаги мутахассисларнинг хулосалари билан бирга:

педиатрнинг боланинг умумий ривожланиши ҳолати тўғрисидаги хулосаси;

психоневрологнинг хулосаси (фақат нутқий, психик ва ақлий ривожланишда нуқсонлари бўлган болалар учун), унга психоневрологик диспансернинг герб туширилган муҳр билан тасдиқланган маълумотномаси илова қилинади;

отоларингологнинг хулосаси (фақат эшитишида оғир нуқсонлар бўлган болалар учун), унга қулоқ, томоқ, бурун ва талаффуз артикуляциясида иштироқ этувчи органларнинг ҳолатига тавсифи, нутқ ва шивирлаб айтилган гапни қабул қилиш ҳақидаги маълумотлар, аудиограмма маълумолари илова қилинади;

офтальмологнинг хулосаси (фақат кўришида оғир нуқсонлар бўлган болалар учун), унга ташхиснинг кенг изоҳи билан кўриш органларининг тавсифи илова қилинади;

ортопед-травматологнинг хулосаси (фақат таянч-ҳаракат аппаратида нуқсонлар бўлган болалар учун), унга ташхиснинг кенг изоҳи билан рентгенологик тадқиқот маълумотлари илова қилинади;

дефектолог-логопеднинг хулосаси (фақат нутқда оғир нуқсонлар бўлган болалар учун), унга тил тизимининг ҳар бир компоненти шаклланиш даражаси кўрсатилган ҳолда нутқ ривожини тавсифи илова қилинади.

Комиссияга тақдим этиладиган боланинг ривожланиши тарихидан кўчирманинг ишончилиги учун даволаш-профилактика муассасасининг уни тасдиқлаган бош врачлари шахсан жавоб беради.

Болалар тегишли ҳужжатлар тақдим этилгандан кейин бир ой давомида Комиссиядан ўтади.

16. Боланинг тиббий картасида кўрсатилган маълумотлар асосида болалар Комиссиянинг ҳар бир мутахассиси томонидан яқка тартибда ёки бир нечта мутахассислар томонидан бир вақтда текширувдан ўтказилади.

17. Комиссия, зарурат бўлса, қўшимча текширув ўтказиш учун болани ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларига юборади, боланинг соғлиғи тўғрисида қўшимча ахборот сўрайди.

18. Текширувлар натижаларига кўра Комиссиянинг йиғилишида болани ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотга ёки қўшма типдаги мактабгача ташкилотга юбориш бўйича хулоса бериш ёки буни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

19. Комиссиянинг хулосаси, агар Комиссиянинг йиғилишида боланинг асосий ташҳиси бўйича тегишли мутахассис қатнашмаган бўлса, ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

20. Комиссиянинг хулосасида қуйидагилар кўрсатилади:

боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси маълумотлари;

бола қонуний вакилларининг паспортига оид маълумотлар;

боланинг яшаш манзили;

хулоса, болага қўйилган ташҳиси билан;

боланинг ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотда ёки қўшма типдаги мактабгача ташкилотда бўлиш муддати;

бола ўқитиладиган тил.

Хулоса боланинг жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсоннинг оғирлик даражасига қараб 6 ой, 1 йил ва 2 йил муддатга берилади.

Бу муддат давомида бола ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотнинг ёки қўшма типдаги мактабгача ташкилотнинг тиббий-психологик-педагогик кенгаши йўлланмаси бўйича Комиссия томонидан қайта текширувдан ўтказилиши мумкин.

Хулосада кўрсатилган боланинг ташкилотда бўлиш муддати тугаганидан кейин ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотда ёки қўшма типдаги мактабгача ташкилотда унинг бўлиш муддатини узайтириш ёки уни умумий типдаги мактабгача ташкилотга ўтказиш масаласи Комиссия томонидан белгиланади.

21. Комиссиянинг болани ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотга ёки қўшма типдаги мактабгача ташкилотга юбориш тўғрисидаги хулосаси ушбу Низомга иловада кўрсатилган ривожланишида жисмоний ёки психик нуқсонлар бўлган қуйидаги ёш тоифаларидаги болаларга берилади:

кўришида оғир нуқсонлар бўлган болалар учун – 2 ёшдан 7 ёшгача;

эшитишда оғир нуқсонлар бўлган болалар учун – 2 ёшдан 7 ёшгача;

таянч-ҳаракат аппаратида нуқсонлар бўлган болаларга – 2 ёшдан 7 ёшгача;

нутқида оғир нуқсонлар бўлган болаларга – 3 ёшдан 7 ёшгача;

психик ривожланишда кечикаётган болаларга – 3 ёшдан 7 ёшгача;

ақли ривожланишда нуқсонлари бўлган болаларга – 3 ёшдан 7 ёшгача.

22. Комиссиянинг баённомалари ва хулосаси текширув ўтказилган кун расмийлаштирилади, мутахассислар ва Комиссия раиси томонидан имзоланади.

23. Комиссиянинг хулосаси расмийлаштирилган кундан эътиборан уч иш куни ичида боланинг қонуний вакиллариغا берилади.

24. Комиссиянинг хулосаси болани ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотга ёки қўшма типдаги мактабгача ташкилотга расмийлаштириш учун асос ҳисобланади.

25. Комиссия хулосалари ва ушбу Низомнинг 15-бандида кўрсатилган ҳужжатлар мактабгача таълим ҳудудий бошқарув органларида, ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотда ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотда 5 йил давомида сақланади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

Комиссия фаолиятини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Болаларни кўп тармоқли ихтисослаштирилган
мактабгача таълим ташкилотларига ва қўшма
типдаги мактабгача таълим ташкилотларига
йўллаш бўйича тиббий-психологик-педагогик
комиссия тўғрисидаги низомга
илова

**Тиббий-психологик-педагогик комиссия хулосасини бериш учун
асос бўладиган тиббий кўрсатмалар рўйхати**

Касалликлар номи

I. Психик ривожланишдаги нуқсонлар

1. Психик ривожланишда кечикиш F83
2. Психик-нутқий ривожланишда кечикиш F83
3. Болалар аутизми F84.0

II. Ақлий ривожланишдаги нуқсонлар

1. Енгил даражадаги ақлий заифлик F70
2. Ўрта даражадаги ақлий заифлик F71

III. Нутқдаги нуқсонлар

1. Экспрессив нутқнинг бузилиши (нутқ ривожланишининг биринчи даражали мотор алалияси) F80.1
2. Рецептив нутқнинг бузилиши (сенсор алалия) F80.2
3. Ринолалия (нутқ аппаратининг коррекция бўйича операциялардан кейинги ҳолат) R49.2
4. Ўртача ва оғир даражадаги дудуқлик F98.5
5. Дизартрия (марказий нерв тизимининг органик шикастланиши билан) R47.1
6. Болалар афазияси F80.3

IV. Кўришдаги нуқсонлар

1. Кўзи ожизлик (амовроз)
2. Туғма нуқсонлар:
микрофтальм, микрокорнеа, анофтальм;
Тўр парданинг ривожланишидаги туғма нуқсонлар;
кўриш нервининг атрофияси;
кўриш нерви диск ва макуласининг оғир даражадаги гипоплазияси;
альбинизм;
аниридия, кўриш ўткирлиги 0,4 гача
3. Катаракта:
марказий зонада тўлик ёки қисман хиралашиш, кўриш ўткирлиги 0,4 гача;

афакия (кўз гавҳари йўклиги, кўриш ўткирлиги 0,4 гача);

кўз гавҳари силжиши (жойи ўзгариши).

4. Глаукома (туғма, иккиламчи)

5. Рефракцион аномалиялар:

кучайиб борадиган узоқни яхши кўра олмасликнинг ҳар қандай даражаси (кучайиш тезлиги йил давомида - 0,5 Ддан ортиқ);

тахмин қилинган амблиопиялар, анизометрияда рефракциянинг 3,0Д фарқи билан.

6. Амблиопиялар:

амблиопиялар (дисбинокуляр, рефракцион, обскурацион) тиббий (плеоптик) даволашга муҳтож бўлган кўриш пасайишининг ҳар қандай даражасида;

узоқни яхши кўра олмасликнинг, яқинни яхши кўра олмасликнинг, астигматизмнинг юқори даражасидаги тахмин қилинган амблиопиялар;

ғилайлик (кўриш ўткирлиги сезиларли пасайган ҳолда).

7. Тўр парданинг кўчган катлами

V. Эшитишда бузилиш Н90.3

1. Иккинчи даражали нейросенсор эшитиш пастлиги (эшитишнинг 41-55дб гача пасайиши (бинаурал кулоқ протезлаш))

2. Учинчи даражали нейросенсор эшитиш пастлиги (эшитишнинг 56-70 дб гача пасайиши (кулоқ протезлаш))

3. 3-4 даражали нейросенсор эшитиш пастлиги (эшитишнинг 71-90 дб гача пасайиши (агар мияининг эшитиш маркази жароҳат олмаган бўлса, кохлеар имплантация операциясигача))

4. 4 даражали нейросенсор эшитиш пастлиги ва карлик (эшитишнинг 91 дб гача пасайиши (агар мияининг эшитиш маркази жароҳат олмаган бўлса, кохлеар имплантация операциясигача))

5. Карлик ёки кар-соқовлик (эшитишнинг 91 дб дан ортиқ пасайиши (кохлеар имплантация операциясигача))

6. 2-3 даражали нейросенсор эшитиш пастлиги ўрта ва оғир даражада психик ривожланишнинг кечикиши билан (гидроцефалия)

7. 3-4 даражали нейросенсор эшитиш пастлиги ўрта ва оғир даражада психик ривожланишнинг кечикиши билан

8. Карлик ёки кар-соқовлик ўрта ва оғир даражада психик ривожланишнинг кечикиши билан

9. Кохлеар имплантациядан кейин

VI. Таянч-ҳаракат аппарати бузилиши

1. 2,3 ва 4 даражали сколиоз (туғма ва орттирилган)

2. Кўкрак қафасининг 2, 3 ва 4 даражали гирдобсимон деформацияси

3. Кўкрак қафасининг 2, 3 ва 4 даражали килсимон деформацияси

4. Артрогрипоз
5. Болалар церебрал фалажи (БЦФ) ва бошқа неврологик патологиялар оқибатида ортопедик деформациялари
6. Остеомиелит асоратлари (жарроҳлик муолажасидан кейинги ҳолатлар)
7. Туғма маймоқлик (жарроҳлик муолажасидан кейинги ҳолатлар)
8. Қўл ва оёқларда жароҳатдан кейинги бўғимлар контрактураси
9. Ортопедик систем касалликлари (ахондроплазия, дисхондроплазия, хондродистрофия)
10. Рахит асоратида оёқларнинг оғир даражали деформациялари (вальгус ва варус деформациялар)
11. Туғма сон чиқиши (консерватив даволашдан кейинги ҳолат, оператив даволашдан кейинги ҳолат)

VII. Икки ва ундан ортиқ бузилиши бор болалар